

Ҳар қандай гуноҳни йўқ қилиб юборадиган мағфират



07:06 / 19.10.2019 2456

Соҳр ибн Рашид раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинади: «Абдуллоҳ ибн Муборакни тушимда кўриб, «Сиз вафот этмаганмидингиз?» дедим. «Ҳа, вафот этганман», деди. «Роббингиз аzza ва жалла сизга қандай муомала қилди?» дедим. У шундай деди: «Ҳар қандай гуноҳни йўқ қилиб юборадиган мағфират билан мени кечирди». «Суфён Саврийни-чи?» дедим. У «Ҳай-ҳай, у Аллоҳнинг инъомига эришган зотлар, яъни пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ кишилар билан бирга. О, улар нақадар гўзал ҳамроҳлар!» деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан